

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУЛЛАЕВ ИЛЁС СУЛТАНОВИЧ**

**МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМНИ ОПТИМАЛ ТАРТИБГА  
СОЛИШНИНГ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.06 – Эконометрика ва статистика**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Абдуллаев Илёс Султанович**

Минтақавий иқтисодий тизимни оптимал тартибга солишнинг  
механизмларини такомиллаштириш ..... 3

**Абдуллаев Илёс Султанович**

Совершенствование механизмов оптимального регулирования  
региональной экономической системы..... 31

**Abdullayev Ilyos Sultanovich**

Improving optimal regulating mechanisms of regional economic  
system ..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publications..... 61

**ТШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУЛЛАЕВ ИЛЁС СУЛТАНОВИЧ**

**МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМНИ ОПТИМАЛ ТАРТИБГА  
СОЛИШНИНГ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.06 – Эконометрика ва статистика**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/Iqt1 рақам ( ) рўйхатга олинган.**

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифанинг [www.tdiu.uz](http://www.tdiu.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Рузметов Бахтияр**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Алимов Раимжон Хакимович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,  
**Хотамов Очилди Курбанович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  
**Эгамбердиев Фармонкул Турсункулович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** Тошкент молия институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz))

Фан доктори (DSc) диссертацияси билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.Ю. Ходиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**А.Н. Самадов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

**Б.К.Ғойибназаров**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёнларида мамлакатлар минтақаларини изчил ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. «Ривожланган ва тараққий этаётган давлатларнинг йирик минтақавий марказлари ҳиссасига жаҳон ЯИМнинг 75 фоизи, экспортнинг 58 фоизи, инвестицияларнинг 76 фоизи тўғри келмоқда»<sup>1</sup>. Бу эса минтақалардан иқтисодий тизимни янада самарали ривожлантириш бўйича оптимал усулларни излашни талаб этмоқда.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларидаги самарали минтақавий сиёсат натижасида минтақалар иқтисодиётида чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилди ҳамда ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007-2011 йилларда Ўзбекистоннинг комплекс ҳудудий ривожланиш стратегияси дастурини ишлаб чиқиш тўғрисида»ги Фармойиши қабул қилиниб минтақалар салоҳиятини ва уларнинг барқарор ўсишига таъсир кўрсатаётган асосий омиллар чуқур таҳлил қилинган ва ҳудудий ривожланиш концепцияси ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947- сон Фармонининг 1-илоvasида келтирилган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да «ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш масштабларини кенгайтириш ҳисобига ҳудудларнинг ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш даражасидаги фарқини камайитириш, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ўстириш йўли билан қиёсланган туман ва шаҳарларни жадал ривожлантириш»<sup>2</sup> вазифаси қўйилган. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида «... нафақат иқтисодиётнинг таянч тармоқларини, балки, энг аввало, ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва мамлакатимиз барча фуқароларининг ҳаётий манфаатларини таъминлашга ва уларнинг даромадларини кўпайтиришга доир истиқболдаги муҳим вазифалар туриши керак»<sup>3</sup>. Бу ҳолат, ҳудудларни комплекс ривожлантиришни таъминлаш, минтақаларнинг мавжуд табиий хомашё, ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш кучларини оптимал жойлаштириш ҳамда аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириб бориш, шу мақсадларда бошқарув самарадорлигини оширишга имкон берувчи институционал асосларни такомиллаштириб боришни тақозо этади. Шунинг учун ҳам, бундай муаммоларни ҳал қилиш миқдор ва сифат

<sup>1</sup> Европа Иттифоқи, НАФТА ва АТЭС таркибига кирувчи минтақалар улуши. Манба: 2014 йил учун Жаҳон банки маълумотлари. Электрон манба://[databank.worldbank.org](http://databank.worldbank.org) (манбадан фойдаланилган сана: 07.11.2016 й).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон Фармонининг 1-илоvasи «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси».Lex.uz

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимга бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 15 декабрь, № 247 (6682).

жиҳатидан янгича ёндашувларни, яъни минтақа иқтисодий тизимини оптимал тартибга солишда замонавий эконометрик моделларни қўллаш зарурлигини кўрсатади.

Жаҳон амалиётида минтақавий иқтисодий тизимни оптимал тартибга солишнинг механизмларини такомиллаштириш бўйича бир қатор муаммоларнинг илмий ечимини таъминлаш юзасидан мақсадли илмий изланишлар ташкил қилинган бўлиб, жумладан: мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш, минтақалар рақобатбардошлигини ошириш, изчил иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, бу жараёни оптимал бошқариш ва тартибга солишни такомиллаштириш, минтақанинг иқтисодий ривожланишини прогнозлашнинг усулларини ва уларни татбиқ этишнинг асосий принципларини ишлаб чиқиш, минтақа иқтисодий тизимини устувор йўналишларини оптимал тартибга солишни кўп омилли иқтисодий - математик моделлари ишлаб чиқиш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сонли «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, таркибий ўзгаришларини таъминлаш чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 22 февралдаги ПҚ-2495-сон «Худудларни комплекс ривожлантиришни таъминлашда маҳаллий давлат бошқаруви органлари фаолиятини такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 2016 йил 24 февралдаги ПҚ-2497-сон «Худудларни давлат бошқаруви органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>4</sup>.** Комплекс сонли эконометрик моделлар тузиш ва улар ёрдамида иқтисодий жараёнларни тадқиқ этиш билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг

---

<sup>4</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи куйидаги манбалар асосида тайёрланди: Solow R.M. Technical Change and the Aggregate Production Function // The Review of Economics and Statistics. Vol.9. No 3, p. 312-320. Wooding R.A. The multivariate distribution of complex normal variables // Biometrika, 1956, vol. 43, p. 212-215. Tavares G. N., Tavares L. M. On the Statistics of the Sum of Squared Complex Gaussian Random Variables // IEEE Transactions on Communications, 55(32), 2007. – p. 1857-1862. Svetunkov Sergey. Complex-Valued Modeling in Economics and Finance – Springer Science + Business Media, New York, 2012. – 318 p. Светуных С.Г. Основы комплекснозначной экономики.- СПб.: Издатель ип Василькина. – М.: Н. 2011.-348. Светуных С.Г. Основы эконометрии комплексных переменных. СПб.: Издатель ип Василькина. М.: Н. 2008.-108 с.

етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Harvard University, California State University (АҚШ), Massachussets Institute of Technology, Institute of Economic Affairs (Буюк Британия), Universidade Federal do Rio Janeiro (UFRJ), Санкт-Петербург давлат иқтисодиёт ва молия университети (Россия), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтида, Урганч давлат университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда комплекс сонли эконометрик моделлар тузиш, улар ёрдамида минтақа иқтисодий тизимини оптимал тартибга солиш масалалари бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида, қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: минтақа иқтисодий тизимини оптимал тартибга солиш усуллари ва эконометрик моделлари ишлаб чиқилган (The University of Michigan, АҚШ); минтақанинг иқтисодий ўсиш модели яратилган (The University of Sheffield, Англия); минтақа иқтисодий тизимини оптимал бошқариш назарияси ва инновацион жараёнларни ривожлантиришга қаратилган рақобат муҳитини шакллантириш механизмлари ишлаб чиқилган (The University of Bonn, Германия); миллий иқтисодиётни ривожлантириш комплекс сонли эконометрик моделлари ишлаб чиқилган (Санкт-Петербург давлат иқтисодиёт ва молия университети, Россия); минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти); минтақа иқтисодий тизимини оптимал тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш бўйича комплекс сонли эконометрик моделлар яратилган (Урганч давлат университети).

Дунёда минтақа иқтисодий тизимига эконометрик моделларни татбиқ этиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: минтақа иқтисодий динамикасини таҳлил қилишда ва оптимал тартибга солишда комплекс сонли кўп омилли эконометрик моделларни такомиллаштириш, минтақа иқтисодий тизимини ифодаловчи ишлаб чиқариш функциялари кўламини кенгайтириш, минтақада инновацион иқтисодиётни шакллантиришда эконометрик моделлардан фойдаланиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кейинги пайтларда комплекс сонли иқтисодий-математик моделлар ва минтақа иқтисодий тизимини оптимал бошқариш масалаларига хорижлик ва мамлакатимиз олимларининг илмий ишларида катта эътибор қаратилган.

Бу соҳада хорижлик муаллифлардан М.Кейнс, Дж.Жонстон, К.Дугерти, Ж.Д. Хамилтон, М.Портер, С.В.Жохансен кабилар асарлари шулар жумласидан<sup>5</sup>. Россиялик олимлардан В.М.Гранберг, В.М. Гаврилов, А.И.Штульберг, Б.В.Шабат, В.М.Лексин, А.Леша, Г.В. Гутман, Д. Сепик, С.Г.Светуных, И.С.Светуных, С.Б.Мукин, Т.В. Корецкая,

---

<sup>5</sup>Кейнс Дж. Избранные произведения. Пер. с англ. - М.: Экономика, 1993. -436 с. Портер М. Международная конкуренция: пер. с англ. под ред. Щепшина В.Д. – М.: Международные отношения, 1993.-886 с

Н.А.Колесников, А. Жихаревич<sup>6</sup> ва бошқаларнинг тадқиқотлари катта қизиқиш уйғотади.

Шу билан бирга, мамлакатимиз олимларининг ҳам тадқиқотларида минтақалар иқтисодий тизимини оптимал тартибга солиш масалаларини айрим жиҳатлари ўрганилган. Хусусан, минтақаларни комплекс ва мутаносиб ривожлантиришнинг назарий-услубий жиҳатлари В.Қ. Қобулов, С.С.Ғуломов, Б.Ю.Ходиев, Т.Шодиев, А.Абдуллаев, Т.М.Ахмедов, Б.Т.Салимов, А.М.Қодиров, Э.Акрамов, Р.Х.Алимов, С.В.Чепель, Б.Рўзметов, Н.К.Айимбетов, Б.Атаниёзов, А.Содиқов, Ф.Т.Эгамбердиев, Ш.Х.Назаров ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган, аммо минтақаларнинг иқтисодий тизимини оптимал тартибга солиш механизмларини такомиллаштиришда самарали комплекс сонли эконометрик моделлардан фойдаланилмаган ва бу муаммолар ўз ечимини топмаган<sup>7</sup>.

Мазкур масала юзасидан олиб борилган тадқиқотлар минтақа иқтисодий тизимини оптимал тартибга солиш механизми, биринчи навбатда, тенденциялар таҳлили ва самарали комплекс сонли эконометрик моделлар асосида кўрсаткичларни прогнозлашга асосланиш заруратини келтириб

---

<sup>6</sup>Гранберг А.Г. Основы региональной экономики.- М.: «Экономика», 2000. -346 с. Гаврилов А.И. Региональная экономика и управление.- М.: ЮНИТИ, 2002. -239 с. Штульберг В.М. Регулирование региональной экономической политики в условиях развития рыночных отношений. - М.: Наука, 2003. -123 с. Шабат Б.В. Введение в комплексный анализ. Функция одного переменного: В 2-х ч. Ч.1.-СПб.: Изд-во «Лань» 2004. -336 с. Швецов А.Н. Государство и регионы. Теория и практика регионального развития. - М.: Эдиториал УРСС, 2003. -156 с. Мукин С.В. Особенности управления социально-экономическим развитием дотационного региона. Автореф. на соиск. уч. степ. докт. экон. наук. Тамбов, 2007. Жихаревич Б.С. Современная экономическая политика городских и региональных властей. РАН ИСЭП. СПб. 2001. -137 с. Гутман Г.В. Управление региональной экономикой. - М.: Финансы и статистика. Сепик Д. Индикаторы конкурентоспособности регионов: европейский подход. - М.: «Регион: экономика и социология», 2005, №2. 197-205 с. Корецкая Т.В. Краткосрочное прогнозирование комплексных переменных с помощью метода Брауна. Вестник ОГУ. 2008. -№11. - С.121-126. Колесников Н.А. Финансовый и имущественный потенциал региона: опыт регионального менеджмента. - М.: Финансы статистика, 2000. -240 с. Гуриева Л.К. Конкурентоспособность инновационного ориентированного региона.-Авто. на соиск. уч. степ. докт. экон. наук. М., 2007. -46 с. Светуных С.Г. Основы эконометрии комплексных переменных. - М.: Санкт-Петербург, 2008. Светуных И.С. Производственные функции комплексных переменных в экономическом анализе. Авто. на соиск. уч. степ. канд. экон. наук. 2007. -25 с.

<sup>7</sup>Кабулов В.К. Алгоритмизация в социально-экономических системах. – Т.: Фан, 1989. Шодиев Т.Ш. Проблемы моделирования развития сельского хозяйства (на примере Узбекистана): дис. докт. экон. наук.-Т.: ТГЭУ, 1988.-380 с. Абдуллаев А.М. и др. Прогнозирование и моделирование национальной экономики. Под ред. акад. С.С. Гуломова, Абдуллаев А.М. и др. Прогнозирование и моделирование национальной экономики. - Т.: Фан ва технология, 2007. Гуломов С.С., Салимов Б.Т. Моделирование использования и развития производственного потенциала региона.-Т.: Ўқитувчи, 1995. -154 с. Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожланишини эконометрик моделлаштириш: иқт. фан. докт. дисс.- Тошкент. ТДИУ, 2000.- 338 б. Ахмедов Т.М. Регулирование территориальной организации производительных сил и комплексное развитие регионов Узбекистана.-Т.: Фан, 1992. Рузметов Б. Оптимизационные задачи многоагрегатных комплексов. Модели, методы решения, программные модули. - Т.: Фан, 2010. Рузметов Б. Региональная экономика. Опыт, проблемы, эффективность комплексного развития. - Т.: Фан, 2003. -219 с. Айимбетов Н.К. Мураккаб экологик вазият шароитида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни моделлаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида): иқт. фан. докт. автореф. – Т.: ТДИУ, 2000. – 38 б. Садыков А.М. Ўзбекистон минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва уни тартибга солиш механизмлари. Иқт. фан. докт. дисс.-Т.: УзМУ, 2006. -309 б. Алимов Р.Х. Прогнозный анализ и управление развитием хлопковопромышленных комплексов. Дисс. докт. экон. наук. -Т.: ТГЭУ, 1993. С. 254. Чепель С.В. Анализ чувствительности индикаторов роста к изменению факторов и параметров макроэкономического регулирования. - Т., 2011. - 79 с. Назаров Ш.Х. Совершенствование методологических основ повышения конкурентоспособности регионов Узбекистана. Автореф. дисс. докт. экон. наук.-Т.: ИПМИ, 2016.-94 с.



чиқаради. Шу муносабат билан, минтақа иқтисодий тизимини оптимал тартибга солишнинг комплекс сонли эконометрик моделларини ишлаб чиқиш концепциясини мазкур диссертация иши доирасида ривожлантириш илмий-амалий қизиқиш уйғотади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Урганч давлат университети илмий - тадқиқот ишлари режаси, шунингдек, А-2-87 - сонли «Худудий иқтисодий тизимни ривожланишини прогноз қилишда комплекс сонли моделларни ишлаб чиқиш» (2015-2017), Ф-1-42 - сонли «Миллий иқтисодиётни либераллаштириш шароитида минтақани комплекс ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш» (2012-2016), И-2014-1-18 - сонли «Инновацион ишланмалар асосида минтақада қишлоқ хўжалигини барқарор ва интенсив ривожлантириш» (2014-2015) фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар давлат лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** иқтисодиётни модернизациялаш шароитида комплекс сонли эконометрик моделлар тузиш асосида минтақа иқтисодий тизимини оптимал тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мамлакатни модернизациялаш ва иқтисодиётни янада чуқурлаштириш шароитида минтақа иқтисодий тизимини оптимал тартибга солиш механизмларининг илмий асосларини яратиш;

комплекс сонли эконометрик моделларни таҳлил қилиш ва баҳолаш асосида минтақанинг иқтисодий ривожланишини прогнозлашнинг усулларини ва уларни татбиқ этишнинг асосий принципларини ишлаб чиқиш;

минтақа иқтисодий тизимини мос тарзда ифодаладиган комплекс сонли эконометрик моделлар тузиш математик аппаратини яратиш;

Хоразм вилояти иқтисодий тизимининг ривожланишини оптимал тартибга солишнинг комплекс сонли эконометрик моделларини тузиш ва уларни тадқиқ этиш;

минтақанинг ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини ҳамда инновацион ривожланиш омилларини аниқлаш;

комплекс сонли ишлаб чиқариш функциялари асосида Хоразм вилояти иқтисодий тизимини ривожлантиришни кўп вариантли муқобил прогноз сценарийларини ишлаб чиқиш;

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб Хоразм вилоятининг иқтисодий тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** минтақа иқтисодий тизимини оптимал тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотнинг методологик асосини иқтисодий-математик моделлаштириш, комплекс сонли иқтисодиёт,

эҳтимоллар ва иқтисодий-статистик, кўп омилли эконометрик таҳлил, иқтисодий-статистик, монографик ҳисоблаш, дастурий мақсадли, тизимли-мантиқли ва SWOT таҳлил ҳамда сценарий усулларида фойдаланилди. Минтақа иқтисодий тизимида рўй бераётган фазовий ва таркибий ўзгаришлар ва бошқарув самарадорлигини баҳолашда функционал таҳлил ва эксперт баҳолаш усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

минтақа иқтисодий тизимини ривожлантириш ва оптимал тартибга солиш механизмларининг назарий асослари такомиллаштирилган;

минтақавий иқтисодий тизимни комплекс сонли эконометрик моделини тузишнинг математик аппарати ишлаб чиқилган;

минтақа иқтисодий тизимини оптимал тартибга солиш механизмининг такомиллаштиришнинг комплекс сонли модели ва диагностик баҳолаш услуби ишлаб чиқилган;

минтақа иқтисодий тизимини устувор йўналишларини оптимал тартибга солишнинг кўп омилли иқтисодий математик моделлари ишлаб чиқилган;

Хоразм вилояти иқтисодий тизимини ривожлантиришни ўрта муддатли кўп вариантли сценарийлари комплекс сонли эконометрик моделлар асосида ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

минтақа иқтисодий тизимини ривожлантириш ва оптимал тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш омиллари асослаб берилди;

ишлаб чиқилган математик аппарат ёрдамида минтақавий иқтисодий тизимни ривожлантиришни эконометрик моделлари яратилди;

минтақалар ижтимоий-иқтисодий ҳолатини диагностика қилишга доир таклифларни жорий қилиш: давлат органлари томонидан солиқ-бюджет концепциясини ишлаб чиқишда; давлат бюджети даромадларини прогноз қилишда; ялпи ички маҳсулот миқдори билан боғлиқ солиқлар бўйича тушумларни, жумладан, фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, ягона солиқ тўловларини прогнозлаш кўрсаткичларини 2,5-3,5 фоизга кўтарилишини таъминлади.

минтақанинг ривожланиш истиқболларини белгилаш ва устувор тармоқларни аниқлаш, уларни амалга ошириш чора-тадбирлари ва тартибга солиш механизмлари асосида давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш сифатини 3-5 фоизга ошириш имконини берди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, берилган илмий-назарий таклиф ва тавсияларни амалда синовдан ўтганлиги, ишлаб чиқилган комплекс сонли эконометрик моделлар асосида олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, уларнинг давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, бунда бутунлай янги услубий ёндашув ишлаб чиқилгани ва қўлланилгани билан боғлиқ бўлиб, бу минтақа иқтисодий тизимини оптимал тартибга солишнинг самарали эконометрик моделларини тузиш ва кенг кўламда қўллаш орқали ҳудудни барқарор

ривожлантириш стратегиялари ва устувор йўналишларини аниқлаш, комплекс ва инновацион дастурларни шакллантириш имконини беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, минтақа иқтисодий тизимини оптимал тартибга солишда ишлаб чиқилган комплекс сонли эконометрик моделлар ва тузилган ишлаб чиқариш функцияларидан ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасини тизимли асосда таҳлил қилиб бориш, мавжуд захиралар ва ишлаб чиқаришга жалб этилмаган меҳнат ва ишлаб чиқариш салоҳиятини аниқлаш, унинг асосида ҳудудларни комплекс тараққий эттиришнинг жорий ва ўрта муддатли давлат, тармоқ, минтақавий дастурларини ишлаб чиқиш, минтақалар иқтисодиётини чуқур таркибий ўзгартириш ва диверсификациялашнинг устувор йўналишларини аниқлаш имконини беради. Шунингдек, таклиф этилаётган иқтисодий ёндашувлар, услублар, амалий воситалар, минтақа рақобатбардошлигини ошириш омилларидан бири сифатида Фан ва технологиялар Агентлигининг фундаментал, амалий, инновацион илмий - тадқиқот грантларини бажаришда фойдаланилганлиги билан ифодаланади.

Бундан ташқари, иқтисодиёт тизимида янги фан сифатида олий ўқув юртларида «Комплекс сонли эконометрика», «Иқтисодий - математик моделлар ва усуллар» ва «Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш» фанлари ўқув жараёнида фойдаланилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Минтақа иқтисодий тизимини оптимал тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

комплекс сонли ўзгарувчили ишлаб чиқариш функциялари ёрдамида минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини диагностика қилишга доир киритилган таклиф 2016 йил учун солиқ-бюджет концепциясини ишлаб чиқишда, Давлат бюджети даромадлари прогнозини ҳисоблаш жараёнида, ялпи ички маҳсулот миқдори билан боғлиқ солиқлар бўйича тушумларни яъни, фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, ягона солиқ тўловларини прогнозлаш жараёнида муқобил услуб сифатида қўлланилган ва 2,5-3,5 фоиз аниқликка эришилган. (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2016 йил 4 мартдаги ММ/04-04-32-08/199 - сон маълумотномаси).

Мазкур таклифга асосан, минтақани иқтисодий ривожланиш динамикаси комплекс сонли эконометрик модели асосида ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини прогноз қилиш концепцияси бўйича ишлаб чиқилган таклиф 2016 йил учун маҳаллий бюджетлар даромадларини прогноз қилиш жараёнида жойлардан олинган прогноз кўрсаткичларини таҳлил қилишда қўлланилган. Шунингдек, ушбу таклифлар 2017 йил учун солиқ бюджет концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланиш учун ҳам қабул қилинган;

минтақа иқтисодий тизимини комплекс ривожлантириш бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси томонидан амалиётга татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат кўмитасининг 2016 йил 27 октябрдаги 4958/02-12 - сон маълумотномаси). Ушбу тақлифларга асосан вилоят иқтисодиётини комплекс ривожлантириш билан боғлиқ бўлган турли хил омилларни аниқлаш, баҳолаб бориш натижасида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга эришилган; комплекс сонли эконометрик моделлар 2017 – 2021 йилларда Хоразм вилояти шаҳар ва туманларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичларини ҳисоблашда қўлланилган; минтақани ривожлантириш истиқболларини белгилаш ва устувор вазифаларни аниқлаш, уларни амалга оширишнинг тақлиф этилган чора-тадбирлари ва тартибга солиш механизмлари асосида давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш сифати 3-5 фоизга ошган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 15 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, «Conference on Natural Sciences and Mathematics» (California State University, USA, 2014); «Современные инструменты экономики, модернизация, новые альтернативы» (Вена, Австрия, 2013); «Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатлари ва таъсирини бартараф этишнинг минтақавий хусусиятлари» (Урганч – Санкт - Петербург, 2010); «Двадцатые международные плехановские чтения», (Москва, Россия, 2009); «Формирование евразийского пространства: проблемы и перспективы» (Челябинск, Россия, 2006); «Ёш олимлар республика илмий-амалий конференцияси» (Термиз, 2016); «Основные направления дальнейшей модернизации и повышения конкурентоспособности национальной экономики» (VII Иқтисодчилар форуми, Тошкент, 2015); «Минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг демографик муаммолари», (Урганч, 2015); «Оролбўйи минтақасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий экологик муаммолари» (Нукус, 2015); «Ўзбекистоннинг инвестицион салоҳияти: шаклланиш механизмлари ва қўлланилиши» (Тошкент, 2014); «Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш мамлакатни барқарор ривожланишининг муҳим шарти» (Тошкент, 2012); «Ҳисоблаш ва амалий математика масалалари» (Тошкент, 2009); «Худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг инновацион муаммолари» (Урганч, 2008) каби мавзулардаги халқаро, республика илмий - амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш, жумладан, 3 та монография Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 18 та илмий мақола, жумладан, 14 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация иши 215 бетдан иборат.


## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Минтақа иқтисодий тизимини оптимал тартибга солишнинг илмий методологик асослари**», деб номланган биринчи бобида минтақа иқтисодий тизимининг моҳияти ва афзаллик жиҳатларига баҳо берилган, тизимнинг назарий асослари ва оптимал тартибга солиш механизмлари ҳамда моделлаштириш методологик асослари, хусусиятлари ва муаммолари таҳлил қилинган.

Фикримизча, минтақа иқтисодий тизими-маълум фазовий ўлчамларга эга ва мураккаб минтақавий тизим ҳисобланади. У минтақанинг иқтисодий тизими: ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳияти, ишлаб чиқариш кучларининг самарали жойлашуви, аҳолининг турмуш даражаси ва сифати, маҳаллий бошқарув органларининг фаолиятини ўз ичига олади. Минтақа иқтисодий тизими эволюцион жараённинг алоҳида интеграл субъекти сифатида ўзининг маҳсулот ишлаб чиқариш, уларни айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилишдаги талабларини мустақил таъминлайди ва ўз ривожланишини бошқараолиш қобилиятига эга.

Минтақа иқтисодий тизими мураккаб тузилмага эга бўлиб, ноаниқлик ва хилма – хилликда ривожланади. Шу боис, муаллиф, минтақа иқтисодий тизимини оптимал тартибга солиш механизмларини такомиллаштиришда илк бор комплекс сонли эконометрик моделларни қўллаш таклифи билан чиққан ва диссертацияда уларни тузиш ва қўллаш усуллари ҳамда афзалликларини кўрсатган. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида минтақа иқтисодий тизимини оптимал бошқариш ва уларда иқтисодий ислохотларни либераллаштиришни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизациялаш шароитида уларга эришишнинг энг муҳим мақсадли йўналишлари аниқланган (1-расм). Диссертацияда минтақа иқтисодий тизимининг математик моделини тузиш методологияси ва усуллари таклиф қилинган. Моделда минтақада кечаётган иқтисодий, молиявий, ижтимоий, инновацион жараёнларда ички ва ташқи омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда, минтақа иқтисодий динамикасининг салбий ва ижобий ҳолатларини баҳолаш натижалари ўз аксини топиши зарур. Минтақа иқтисодий тизимини оптимал тартибга солишда эконометрик моделларни кенг қўламда қўллаш орқали иқтисодий ривожланишнинг прогнозлаш усуллари ишлаб чиқилиб уларни татбиқ этишнинг асосий принциплари таклиф қилинган.



**1-расм. Худуд иқтисодий тизимини оптимал бошқаришнинг мақсадли йўналишлари**

Минтақа иқтисодий тизимини  $S$  билан, унинг таркибий кўрсаткичларини  $V_S$  билан, бошқарув тизимини -  $U_S$ , бошқарув объектини –  $O_S$  натижавий кўрсаткичларини –  $W_S$  билан белгилаймиз. Минтақада такрор ишлаб чиқаришнинг мақсадли функцияси ( $W$ ) ҳисобланади, истеъмолнинг мақсадли функцияси билан бир ўлчовда аниқланади ( $P$ ), унинг иккинчи ўлчами – ишлаб чиқаришнинг тўла имкониятларида ( $O$ ) ва кўпликада ( $\Pi$ ) аниқланадиган харажатларнинг ( $Z$ ) мақсадли функциясидир.

$P$  ва  $Z$  жуфтлик  $W$  кўрсаткични  $S$  тизим фаоллигининг самарадорлиги мезони сифатида белгилайди. Бунда,  $P$  нинг хоссалари бўйича максималлаштириш,  $Z$  – минималлаштириш,  $W$ , –  $P$ ,  $Z$   $t$ - давр бўйича оптималлаштириш зарур. Ишлаб чиқариш функциясининг экстремуми –  $W^*$  куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$W^* = \max_{\{P,t\}} \min_{\{Z,t\}} \left[ \{P, Z, t : P = P(\Pi, \hat{\Pi}, t), Z = Z(\Omega, \hat{\Pi}, t), t \in (t_0, T)\} \right]$$

Кўп йиллик тадқиқотларга қарамасдан, иқтисодий тизим ривожланишини аниқ прогноз қилиш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Р.Аренс<sup>8</sup>, Н.Р.Гудман<sup>9</sup> ва Р.А.Вудингларнинг илмий изланишларида иқтисодий ўсишни прогноз қилишда комплекс сонли эконометрик моделларни қўллаш энг истиқболли усуллардан бири эканлиги таъкидланган. Статистик кузатувга эга бўлган регрессив комплекс сонли эконометрик моделларга ва комплекс сон ўзгарувчили функцияларга қизиқиш XX асрнинг 50–60 йилларида пайдо бўлган. Таварэс Г.Н., Таварэс Л.М.<sup>10</sup> тадқиқотларида ҳам бу йўналишга эътибор қаратилган. Фақат 2004 йилда россиялик иқтисодчи олим С.Г.Светунов биринчи марта комплекс сонли эконометрик моделлар тузиш назариясини яратган. Бу эса, комплекс сонли иқтисодиёт шаклланишига асос бўлган. Афанасьева А.А., Пономарева О.С.<sup>11</sup> ҳамда Клейнер Г.Б.<sup>12</sup>ларнинг тадқиқотларида таъкидланганидек, «бундай ишлаб чиқариш функциялари, ишлаб чиқариш ресурсларини ишлаб чиқариш натижасига таъсирини тавсифлаш кўплаб амалий масалаларни ечишга ёрдам беради». Шу билан бир қаторда, С.Г.Светунов<sup>13</sup> «комплекс сон ўзгарувчили ишлаб чиқариш функциялари даромади ( $G$ ), харажатлари ( $C$ ), асосий ишлаб чиқариш ресурслари ( $L$ ), ва капитали ( $K$ )ни ўзаро боғлиқ» деб таърифлайди. Меркулов

<sup>8</sup> Arens R. Complex processes for envelopes of normal noise // IRE Trans. Inform. Theory, Sept. 1957, vol. IT-3, pp. 204-207.

<sup>9</sup> Goodman N.R. Statistical analysis based on a certain multivariate complex Gaussian distribution // Ann. Math. Statist. 1963, vol. 34, p. 152-176. Wooding R. A. The multivariate distribution of complex normal variables // Biometrika, 1956, vol. 43, p. 212-215.

<sup>10</sup> Tavares G. N., Tavares L. M. On the Statistics of the Sum of Squared Complex Gaussian Random Variables // IEEE Transactions on Communications, 55(32), 2007. – p. 1857-1862.

<sup>11</sup> Афанасьев А.А., Пономарева О.С. Производственная функция народного хозяйства России в 1990-2012 гг. // Экономика и математические методы. 2014, 50 (26), 21-33.с.

<sup>12</sup> Клейнер Г.Б. Мезоэкономика развития. – М.: Наука, 2011. – 806 с.

<sup>13</sup> Svetunkov Sergey. Complex-Valued Modeling in Economics and Finance – Springer Science + Business Media, New York, 2012. – 318 p.

Т.В. ва Приходко Ф.И.<sup>14</sup> ларнинг илмий – тадқиқотларида «Комплекс сонли эконометрик моделлаштиришнинг афзалликлари шундаки, улар ёрдамида ҳақиқий ўзгарувчилик функциялар билан ечими топилмаган мураккаб масалаларни ечиш имкониятлари вужудга келади». Минтақа тизимининг муҳим омили оптимал тартибга солиш назарияси ҳисобланади. Унинг фарқли хусусияти таҳлил қилиниб, минтақадаги иқтисодий жараёни тартибга солиш ва бошқариш муаммоларининг ҳамма мураккаб комплексини ҳал қилишда оптималлик принципини изчиллик билан қўллаш зарурлиги юзасидан тегишли илмий хулосалар берилган.

Диссертациянинг «**Минтақа иқтисодий тизимининг ривожланиш динамикасини услубий асослари**» номли иккинчи бобида минтақа иқтисодий тизими ривожланишини комплекс сонли эконометрик моделини яратиш математик аппарати ишлаб чиқилган, минтақа иқтисодий тизимининг ривожланиш динамикасининг эконометрик ва стратегик таҳлили баён қилинган. Илк бор тузилган комплекс сонли эконометриканинг асосини, ўзида ҳақиқий ўзгарувчилар моделининг воситасини акс эттирувчи, ўзгарувчилар орасидаги боғлиқликни таърифловчи комплекс сонли функциялар ташкил этади. Комплекс сонли ўзгарувчиларнинг турли хил элементар функциялари ҳақиқий ўзгарувчилар эконометрикасида ўхшаши йўқ ёки ҳақиқий ўзгарувчиларнинг мураккаблиги улардан амалий фойдаланиш маъноси бўлмайдиган чизиқли бўлмаган ўзаро алоқаларни моделлаштириш имконини беради.

Маълумки, комплекс сонли ўзгарувчилар икки қисмдан иборат: ҳақиқий ва мавҳум қисмлар<sup>15</sup>. Ишлаб чиқариш ресурслари, қоидада кўра, иккита асосий – капитал ресурслар  $K$  ва меҳнат ресурслари  $L$ га бўлинади. Натижа ишлаб чиқариш фаолиятини акс эттирувчи ҳар қандай кўрсаткич бўлиши мумкин (натурал ёки қиймат ифодасидаги ишлаб чиқариш ҳажми, савдо ҳажми, ялпи фойда ва бошқалар).

Ишлаб чиқариш ресурсларининг комплекс сонли ўзгарувчиси қуйидаги қоида бўйича шаклланади: ҳақиқий қисмга - капитал, мавҳум қисмга – меҳнат ресурслари киради, бунда функциянинг комплекс сонли аргументи қуйидагича кўринишга эга бўлади<sup>16</sup>:  $K_t + iL_t$ ,  $t$ -давр кўрсаткичлари.

Ишлаб чиқариш ҳажмини комплекс сонли ўзгарувчилари ёрдамида шакллантириш учун иқтисодий жараёни акс эттирувчи бир хил миқдор ҳамда кўламга эга бир жуфт ўзгарувчилар зарур бўлади. Ишлаб чиқариш ресурсларининг турлича кўриниши ишлаб чиқариш харажатлари ва ялпи фойданинг турли хил кўринишга ва бунинг оқибати сифатида ялпи ишлаб чиқаришнинг турли хил ҳажмга ва рентабелликларга олиб келиши боис, ишлаб чиқариш натижалари комплекс сонли ўзгарувчилар қисмлари

<sup>14</sup> Merkulova T.V., Prikhodko F.I. Dynamics of macroeconomic indicators modeling by functions of complex variables // Бизнес-Информ (Бюлетень ВАК України) // № 4 (5) 2010 (381). С. 67 –71.

<sup>15</sup> Шабат Б.В. Введение в комплексный анализ. Функции одного переменного: учебник: В 2-х ч. 4-е изд., Спб.: Лань, 2004. -326 с.

<sup>16</sup> Светуньков С.Г. Основы эконометрии комплексных переменных. - М.: Санкт-Петербург, 2008.



сифатида айнан ялпи фойданинг ўзгарувчиси –  $G$  ва ишлаб чиқариш харажатлари –  $C$  бўлиши лозим.

Иккита иқтисодий кўрсаткич – яъни, ялпи фойда ва ишлаб чиқариш харажатларини бир вақтда моделлаштириш учун ишлаб чиқариш натижаларига сонлар комплекси (ҳақиқий ва мавҳум қисми) сифатида қаралса, мақсадга осонгина эришиш мумкин. Бу тарзда тузилган комплекс сонлар ўз - ўзидан ишлаб чиқариш натижаларини акс эттирувчи моделга айланади. Бу ҳолат қуйидагича ифодаланади<sup>17</sup>:

$$Z = G + iC \quad (1)$$

Бу ерда  $i$  – мавҳум бирлик, математик қоида ҳисобланади. Формуладаги янги сон –  $Z$  бир вақтнинг ўзида иккита кўрсаткич - ялпи фойда  $G$ ни ва ишлаб чиқариш харажатлари –  $C$ ни ҳисобга олишни билдиради, чунки улар тузилган комплекс соннинг ажралмас қисмларини ташкил қилади. Бунинг маъноси шуки, комплекс сонли ўзгарувчи билан амалиёт бажараётган тадқиқотчи иккита ҳақиқий ўзгарувчи билан иш кўради. Бинобарин, иккита иқтисодий кўрсаткични битта қилиб боғловчи моделларда комплекс сонли ўзгарувчилардан (1) фойдаланиш бир томондан, формула тузишга осон, иккинчи томондан, иқтисодий математик моделга моделлаштирилаётган объект ҳақида батафсилроқ маълумотлар олиш имконини беради.

Бу ерда ялпи фойда кўрсаткичи ҳақиқий қисмга, харажатлар кўрсаткичи эса ишлаб чиқариш ресурсларини ифодаловчи комплекс сонли ўзгарувчининг мавҳум қисмига киритилиши тасодиф эмас. Бу қоида ишлаб чиқариш ресурслари комплекс сонли ўзгарувчиларни шакллантириш тартиби асосида белгиланади.

Маълумки, ҳар қандай иқтисодий динамика замонавий моделининг асоси ишлаб чиқариш функцияси ҳисобланади. Ишлаб чиқариш функцияларининг барча синфидан кўрсаткичли, логарифмик, чизикли ва кўп ҳолларда Кобб –Дуглас ишлаб чиқариш функцияси нафақат иқтисодий таҳлил учун жуда қулай восита ҳисобланади, балки, иқтисодий динамикани моделлаштиришда ҳам кенг қўлланилади. Чунки, унинг ёрдамида корхона, минтақа ёки бутун мамлакатнинг ҳар қандай даражадаги ишлаб чиқариш жараёнлари моделлаштирилади, у иқтисодиётнинг бир томонини, яъни, ресурсларнинг натижага айланишини акс эттирувчи муҳим элемент сифатида қўлланилади.

Қуйидаги чизма ёрдамида ҳақиқий сонли ишлаб чиқариш функциялари билан комплекс сонли ишлаб чиқариш функциялари орасидаги фарқ ҳақида чуқур тасаввурга эга бўлиш мумкин. (2-расм). Бу ерда ҳақиқий сонли ўзгарувчиларнинг ишлаб чиқариш функциялари ишлаб чиқариш ресурсларининг ялпи тушумга таъсирини моделлаштиради, комплекс сонли ўзгарувчиларнинг ишлаб чиқариш функциялари эса аввал ишлаб чиқариш

<sup>17</sup> Светуных С.Г. Основы эконометрии комплексных переменных. - М.: СПб, 2008. -108 с.

ресурсларининг ялпи фойдага ва ишлаб чиқариш харажатларига таъсирини, ундан кейин бу маълумотлар асосида ялпи тушумга таъсирини моделлаштиради.


Бунинг маъноси шуки, комплекс сонли ўзгарувчиларнинг ишлаб чиқариш функциялари ҳақиқий сонли ўзгарувчиларнинг ишлаб чиқариш функцияларига нисбатан ишлаб чиқариш жараёнини чуқур ва батафсил ифодалайди. Шу боис, комплекс сонли эконометрик моделлар ишлаб чиқариш жараёнларини юқори аниқлик ва ишончлилик билан ифодаланишини таъминлайди.

Куйидаги 2 – расмнинг б) – қисмида келтирилган комплекс сонли ўзгарувчиларнинг ишлаб чиқариш функциясини умумий кўринишда куйидагича ифодалаш мумкин:

$$G+iC=F(K,+iL,). \quad (2)$$

G-ялпи фойда, C-ишлаб чиқариш харажатлари, K-асосий фондлар, L-меҳнат ресурслари.

а) ҳақиқий ўзгарувчилар                      б) комплекс сонли ўзгарувчилар



## 2-расм. Ҳақиқий ва комплекс сонли ўзгарувчиларнинг ишлаб чиқариш функциялари тавсифлари<sup>18</sup>

Икки комплекс сонли ўзгарувчилар  $G,+iC$ , ва  $K,+iL$ ларнинг ўзаро боғловчи функциялари жуда кўп (2). Чунки, ишлаб чиқариш жараёнлари бир - биридан куйидагича фарқланади: иерархия даражаси билан (корхона, корхоналар гуруҳи, минтақавий ишлаб чиқариш, миллий ишлаб чиқариш, жаҳон ишлаб чиқариши ва бошқалар), ишлаб чиқаришнинг ўзига хослиги билан (қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, машинасозлик, енгил саноат, нефть ва газ қазиб олиш, электр қуввати ишлаб чиқариш ва бошқалар), миллий – географик хусусиятларга кўра (меҳнат ресурслари ортиқчалиги ёки тақчиллиги; хомашё ва транспорт тармоқларининг мавжудлиги; иқлим шароити) ва бошқалар.

Шунинг учун ҳам, ишлаб чиқариш жараёнларини тўлалигича ифодалайдиган, фақат вазиятга кўра ўз коэффициентлари қийматини ўзгартирувчи комплекс сонли ўзгарувчиларнинг айрим ягона стандарт ишлаб чиқариш функциялари мавжуд эмас. Шу боис, мавжуд иқтисодий жараёнга мос функциялар ичидан энг мақбулини танлаб олиш керак. Комплекс сонли

<sup>18</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

функциялар ёрдамида бир йўла иккита иқтисодий кўрсаткич – ялпи фойда ва ишлаб чиқариш харажатлари моделлаштирилади, бу учта ишлаб чиқариш натижалари моделидир. Ялпи фойда ва ишлаб чиқариш харажатлари йиғиндиси ялпи тушумга тенглашади. Комплекс сонли ўзгарувчиларнинг ишлаб чиқариш функцияларида ҳақиқий ўзгарувчиларга асосланувчи ишлаб чиқариш функциялари назариясида учрамайдиган янги иқтисодий кўрсаткичлар пайдо бўлади. Бу комплекс сонли ўзгарувчилар ва уларнинг кутб бурчакларининг модулларидир. Кутб бурчаклари меҳнат ресурсларининг фондлар билан таъминланганлигини (меҳнат ресурсларини капиталга муносабатини кўрсатувчи кутб бурчагининг тангенци, маълумки, меҳнатнинг фондлар билан таъминланганлигига тенг), таннарх бўйича рентабелликнинг ишлаб чиқариш натижалари учун эса ушбу комплекс сонли ўзгарувчилар модулларининг тавсифи ресурслар ишлаб чиқариш кўламини билдиради. Улардан амалиётда фойдаланиш иқтисодий диагностика имкониятларини кенгайтиради. Шулар билан бир қаторда, комплекс сонли ўзгарувчиларнинг ишлаб чиқариш функцияларига хос яна бир ноёб хосса мавжуд, яъни, берилган функцияга нисбатан тескари функция тузиш мумкин<sup>19</sup>:


$$K+iL=f(G+iC). \quad (3)$$

Бунинг маъноси шуки, тескари функция ёрдамида ялпи фойда, ишлаб чиқариш харажатлари ёки ишлаб чиқариш ҳажмининг исталган даражасига қандай эришиш мумкин, ишлаб чиқариш рентабеллигининг берилган даражасига етиш учун қандай меҳнат ва капитал ресурсларни жалб этиш керак каби масалалар ҳал қилинади. Ваҳоланки, ҳақиқий ўзгарувчили ишлаб чиқариш функциялари бундай имкониятларга эга эмас.

Муаллиф томонидан комплекс сонли ишлаб чиқариш функцияларининг барча турларини минтақа иқтисодий тизимига адаптация қилиш имкониятлари борасида ҳар томонлама тадқиқотлар ўтказилган ва диссертацияда комплекс сонли ўзгарувчиларнинг ишлаб чиқариш функциялари тузилиб, уларнинг тавсифлари келтирилган.

**«Минтақа иқтисодий динамикасини комплекс сонли моделини яратишнинг концептуал асослари»** номли учинчи бобда минтақа иқтисодий динамикасининг асосий омиллари, оптимал тартибга солиш механизмлари кўрсаткичлар тизими, миллий иқтисодиётдаги ўрни, минтақа иқтисодий тизимини оптимал тартибга солишнинг функционал механизми дастаклари (3-расм), комплекс сонли эконометрик моделларни тузиш ва диагностик баҳолаш усуллари ишлаб чиқилган. Муаллиф томонидан моделнинг номаълум параметрларини топишда энг кичик квадратлар усули (ЭККУ) қўлланилиб, функцияларнинг мазкур параметрларга боғлиқлиги таҳлил қилинган, модель аппроксимациялари хатоларини камайтириш имкониятлари ўрганилган.

<sup>19</sup>Светульников С.Г. Основы эконометрии комплексных переменных.- М.: СПб, 2008. -108 с.



**3-расм. Минтақа иқтисодий тизимини оптимал тартибга солишнинг функционал механизми дастаклари<sup>20</sup>**

Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш функциясидаги комплекс сонли ўзгарувчиларнинг ишлаб чиқариш функцияларини таснифловчи усули яратилган, (1-жадвал), параметрларни етарли даражада ишончлилик

<sup>20</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

оралиқлари ҳисобланган ва шу асосда минтақа иқтисодини бошқариш ва оптимал тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Моделнинг ютуғи, шубҳасиз, универсаллиги бўлиб, уни деярли минтақа иқтисодини барча соҳаларида қўллаш имкониятлари очиқ берилган.

$$\Phi = \sum_t (\varepsilon_{rt}^2 + \varepsilon_{it}^2) \longrightarrow \min, \quad (4)$$

Бу ерда,  $\varepsilon_{rt}, \varepsilon_{it}$  - аппроксимация хатоси.

Минтақа иқтисодий динамикасини ифодаловчи комплекс сонли ишлаб чиқариш функцияси қуйидаги тартибда тузилган:

$$Q_t = (a_0 + ia_1)K^\alpha (L_1 + iL_2)^{1-\alpha} \quad (5)$$

Бу ерда:  $Q_t$  – ялпи ҳудудий маҳсулот;

$K$  – асосий ишлаб чиқариш фондлари;

$L_1$  – минтақа иқтисодиётида бандларнинг ўртача йиллик сони;

$L_2$  – минтақа иқтисодиётида бошқарувчилар сони;

$a_0, a_1$  – моделлар параметрлари;

$\alpha$ , – даражали коэффициент, унинг маъноси шуки, параметрлар бир фоизга ортса маҳсулот неча фоизга ошишини белгилайди.

Капиталнинг умумий фойда кўрсаткичи қуйидагича ҳисобланади:

$$M_K = \frac{\partial f}{\partial K} = \alpha(a_0 + ia_1)(L_1 + iL_2)^{1-\alpha} K^{\alpha-1} \quad (6)$$

$M_K$  миқдор капиталнинг қўшимча бирлиги сарфланганда ишлаб чиқариладиган қўшимча маҳсулот ҳажмини билдиради.

Фонд ва меҳнат ресурслари бўйича эластиклик коэффициенти ҳисоблаб чиқилганда, асосий капиталдаги инвестиция ҳажмининг бир фоизга ўзгариши маҳсулотнинг амалдаги ҳақиқий қисми  $G$ нинг  $\alpha$  га ўзгаришига олиб келади:

$$\xi_K = \frac{K}{f} \cdot \frac{df}{dK} = \frac{K \times \alpha(a_0 + ia_1)(L_1 + iL_2)^{1-\alpha} K^{\alpha-1}}{(a_0 + ia_1)K^\alpha (L_1 + iL_2)^{1-\alpha}} = \alpha \quad (7)$$

Иқтисодиётда бандлар сонининг бир вақтда бир фоизга ўзгариши маҳсулотнинг амалий натижа берадиган қисми  $G$ нинг  $(1-\alpha)$ га ўзгаришига олиб келади:

$$\xi_L = \frac{L}{f} \cdot \frac{df}{dL} = \frac{(L_1 + iL_2) \times (1-\alpha)(a_0 + ia_1)(L_1 + iL_2)^{-\alpha} K^\alpha}{(a_0 + ia_1)K^\alpha (L_1 + iL_2)^{1-\alpha}} = 1-\alpha \quad (8)$$

Инвестиция ҳажмининг асосий капиталга ёки иқтисодиётда бандлар сони кўрсаткичига алоҳида таъсирини аниқлаш зарурати пайдо бўлганда, хусусий

эластиклик коэффициентидан фойдаланиш мумкин. Меҳнат ресурслари бўйича хусусий эластиклик коэффициенти асосий ёки ёрдамчи меҳнат сарфи бир фоизга ошганда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг ўзгаришини (фоизларда) акс эттиради.

## 1 – жадвал

### Минтақа иқтисодий динамикасини комплекс сонли моделини тузишда ва диагностика қилишда қатнашган ишлаб чиқариш функциялари таснифи<sup>21</sup>

Функциялар турлари	Комплекс сонли ўзгарувчиларнинг ишлаб чиқариш функциялари	Комплекс сонли моделлар параметрларини ҳисоблаш методикаси
Чизиқли функция	$G_t + iC_t = (b_0 + ib_1)(K_t + iL_t)$	$b_0 = \frac{G_t K_t + C_t L_t}{L_t^2 + K_t^2},$ $b_1 = \frac{C_t K_t - G_t L_t}{L_t^2 + K_t^2}$ $G_t = b_0 K_t - b_1 L_t, \quad C_t = b_0 L_t - b_1 K_t$
Даражали функция	$G_t + iC_t = (a_0 + ia_1)(K_t + iL_t)^{(b_0 + ib_1)}$	$G = a(\sqrt{K^2 + L^2})^b \cos(b \arg(K + iL))$ $C = a(\sqrt{K^2 + L^2})^b \sin(b \arg(K + iL))$
Логарифмик функция	$G_t + iC_t = (a_0 + ia_1) + (b_0 + ib_1) * \ln(K_t + iL_t)$	$C_t = b_1(\sqrt{K_t^2 + L_t^2})^b + b_0 \arctg \frac{L_t}{K_t}$ $b_0 = \frac{G_t \ln \sqrt{K_t^2 + L_t^2} + C_t \arctg \frac{L_t}{K_t}}{\ln^2 \sqrt{K_t^2 + L_t^2} - \arctg^2 \frac{L_t}{K_t}}$ $b_1 = \frac{C_t \ln \sqrt{K_t^2 + L_t^2} - G_t \arctg \frac{L_t}{K_t}}{\ln^2 \sqrt{K_t^2 + L_t^2} - \arctg^2 \frac{L_t}{K_t}}$
Кўрсаткичли функция	$G_t + iC_t = (a_0 + ia_1)e^{(b_0 + ib_1)(K_t + iL_t)}$	$G_t = a_0 e^{b_0 K_t} \cos(b_0 L_t)$ $C_t = a_0 e^{b_0 K_t} \sin(b_0 L_t)$
Кобб – Дуглас функцияси	$G + iC = (a_0 + ia_1)K^\alpha (L_0 + iL_1)^{1-\alpha}$	$0 < \varepsilon < 1$ $G_t = R_a R_K^\alpha R_L^{1-\alpha} \times \cos(\theta_a + \alpha \theta_k + (1-\alpha)\theta_L)$ $C_t = R_a R_K^\alpha R_L^{1-\alpha} \times \sin(\theta_a + \alpha \theta_k + (1-\alpha)\theta_L)$

<sup>21</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

Жумладан, коэффициентнинг ҳақиқий қисми ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг ялпи тушум ўзгаришини (яъни,  $G$ нинг ўзгаришини) кўрсатади, мавҳум қисм эса маҳсулотнинг харажатлари (яъни,  $C$ ) ўзгаришини кўрсатади. Минтақа иқтисодий динамикасини комплекс сонли моделини яратишнинг концептуал асослари ишлаб чиқилган ва уларни амалга ошириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилган.


Тўртинчи боб «Хоразм вилояти иқтисодий динамикаси моделлар тизими ва ҳозирги ҳолати таҳлили» деб номланган бўлиб, ушбу бобда Хоразм вилоятининг иқтисодий ривожланиши комплекс таҳлил қилиниб, минтақа иқтисодий тизимини устувор йўналишларини ривожлантиришнинг оптимал тартибга солишни кўп омилли иқтисодий математик моделлари ишлаб чиқилган ҳамда стохастик аппроксимация усуллари билан адаптация қилинган.

